Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 23 декабрь, шанба • №98 (11.283) • Эркин нархда сотилади

*Янги аср остонасида*

## ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН

***Инсоният саноқлик кунлардан кейин йигирманчи аср билан хайрлашади. Кўҳна тарихда ўзига хос ўрин оладиган бу юз йилликнинг сўнгги ўн йили диёримиз солномасида зарҳал ҳарфлар билан қайд қилинади.***

Ўз мустақиллигига эришган халқимиз Президентимиз бошчилигида тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўлидан порлоқ келажак сари қатъий ишонч билан бормоқда. Оддий меҳнат кишиси, унинг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик бениҳоя кучайдики, уни ҳар биримиз чуқур ҳис қилиб турибмиз. Ҳа, бизда ҳалол, сидқидилдан қилинган меҳнат қадри тобора ошиб бормоқда. Она-Ватан фаровонлиги йўлида куюб-ёниб ишлаётган юзлаб ҳамкасбларим республикамизнинг олий мукофотлари билан тақдирландилар. Мендек оддий бир ишчига эса Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Шу ҳақдаги гувоҳнома ва олтин медални шахсан ҳурматли Йўлбошчимиз қўлидан олишдаги ҳаяжоним ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Кейинги ўн йилликда бир умрга эсимда қоладиган бошқа воқеалар ҳам юз берди. Олмалиқликлар менга катта ишонч билдириб, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашига депутат қилиб сайладилар.

Мен аъзоси бўлган комбинатимизнинг байналмилал, аммо бир оила аъзоларидек аҳил ва иноқ жамоаси мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг куч-қудратини оширишга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётганлиги ҳар биримизнинг қалбимизга қувонч бахш этади. Биз қудратли кон машина-механизмлари ёрдамида қазиб олаётган маъданлардан мисдан тортиб олтингача бўлган энг қимматли ва нодир металлар ажратиб олинаяпти. Улардан республикамиз халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида фойдаланиляпти. Маҳсулотимизнинг муайян қисми эса хорижий мамлакатларга экспорт қилинаяпти.

Бошланадиган янги аср биз учун янгиланиш ва тараққиёт даври бўлишига ишонамиз. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмайди. Мамлакатимиз тақдири сиз билан биз каби оддий ишчилар қўлидадир. Шундай экан мустақил ва ҳур диёримизнинг истиқболи порлоқ бўлиши учун барчамиз, касбкоримиздан қатъий назар, ҳамжиҳат, ҳамкор бўлиб курашамиз, тер тўкиб меҳнат қиламиз. Бу истиқболга ишонч билан қарашимизга гаров бўлади.

***Жонсаид ТУРДИЕВ,***
***Олмалиқ кон-металлургия комбинати Қалмоққир кони экскаватор машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони.***

## «ХАЛҚОБОД» БОҒЛАРИДА



*МЕҲНАТ қилишдан мақсад — яхши яшаш. Аммо, меҳнат қилаётганларнинг ҳаммаси ҳам яхши яшайвермайди. Негаки, гап пировард натижа яъни даромадда. Даромад мўмай, соф фойда нақд бўлиши учун эса, ишнинг кўзини билиш керак. Уддабурон раҳбар ва мутахассислар бошқараётган хўжаликларда режалар доимо юз, даромад тайин.*

*«Янгийўл» агрофирмаси тизимидаги «Янгийўл» ширкати ана шундай хўжаликлар сирасига киради. Ҳақиқатдан ҳам хўжалик раҳбар ва бош мутахассисларга ёлчиган. Олтмишинчи йилларнинг бошида «Халқобод» боғдорчилик-узумчилик хўжалигини барпо этишда фаол қатнашган Ўринбой Тўрақулов 1994 йилдан бери шу хўжаликка бош. Ҳар йили ҳамма соҳалар бўйича режалар ортиғи билан уддаланиб, ўн миллионлаб сўм соф фойда кўрилади.*

*Бу йил бой ва токзорларда ҳосил, айниқса, баракали бўлди. Масалан, давлатга шартнома режасидаги 1050 тонна ўрнига 1500 тонна сархил узум етказиб берилди. 28 тонна сара ҳосил эса хорижга экспорт қилинди. Режадаги 819 тонна ўрнига 1000 тонна мева топширилди. Ўн гектар ерга ғалла экилиб, давлатга 40 тонна дон сотилди.*

*Энди асосий кўрсаткич яъни даромад масаласига келсак, у ҳам доимгидек, баракали бўлди. Ҳаммаси бўлиб 80 миллион сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, шундан 30 миллион сўми соф фойдага қолди. Табиийки, бу маблағнинг тегишли қисми хўжалик фаолиятини кенгайтириш, боғ ва токзорларни янгилаб бориш, боғбон ва соҳибкорларнинг турмуш фаровонлигини оширишга сарфланади.*

*СУРАТДА: (чапдан) бригада бошлиғи Иброҳим Бадалов, бўлим бошқарувчиси Жўра Бадалов, раис Ўринбой Тўрақулов ва бош ҳосилот Рустам Одилов мевали дарахтларга шакл берилишини кузатмоқдалар.*

**Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.**

## МИЛЛАТЛАР ТОТУВЛИГИГА НЕ ЕТСИН

*Оққўрғон туманида Янги йил байрами олдидан «Асрдан-асрга» деб номланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.*

ТУМАН ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган байрамолди дам олиш тадбирида тумандаги барча корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларнинг турли миллат вакилларидан иборат ишлаб чиқариш илғорлари иштирок этдилар. Байрам тантаналарининг очилиш маросимида миллатлараро дўстлик, иноқлик, тотувлик туфайли туманда ҳар йили барча соҳадаги режалар ортиғи билан бажарилиб, аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бораётгани ҳақидаги дил сўзлари янгради.

Тошкент шаҳридан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар, қизиқчилар тантаналар давомида махсус концерт дастурини намойиш этдилар. Туман меҳнаткашлари кун бўйи мириқиб хордиқ чиқардилар.

Гапнинг сирасини айтганда, оққўрғонликлар бугунги кунда ҳар қанча қувонса, ўйин-кулги қилишса арзийди. Чунки, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида эришилаётган ютуқлар йил сайин юксалиб бориб, туман қишлоқлари, маҳалла гузарлари, йўл ва кўчалари, дам олиш масканлари тобора ободонлашиб, файзли бўлиб бормоқда. Тумандаги деярли барча қишлоқлар тоза ичимлик суви ва табиий газ билан тўла таъминланмоқда. Мана шу хайрли ишларнинг замирида туман байналминал халқининг яратувчан меҳнати ётибди. Ўзбек ва рус, қозоқ ва қирғиз, корейс ва татар, украин ва тожик, уйғур ва туркман қўлни қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб, туманнинг йилдан-йилга гуллаб яшнашига, демакки, вилоят ва бутун Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этишга катта ҳисса қўшмоқда.Туман марказий сайлгоҳида кечгача давом этган тантаналар чоғида сўз олиб минбарга чиққан ҳар бир миллат вакили ана шу дил сўзларини изҳор қилиб, биз миллатимиздан қатъий назар ўзимизни оққўрғонлик, янада тўғрироғи ўзбекистонлик деб биламиз, бу билан фахрланамиз, деган фикрни қайта-қайта таъкидладилар.

Ҳақиқатан ҳам, туман халқ хўжалигининг қайси соҳасига назар ташламанг, оддий ходимдан тортиб раҳбаргача турли миллат вакиллари эканлигини кўрасиз. Туман ҳокими Абдуғани Деҳқонбоев тантанани очиш чоғида таъкидлаганидек, шу байналмилал халқ бор экан, Оққўрғон тумани вилоятдаги мавқени доимо сақлаб қолади.

***Ўз мухбиримиздан.***

## Кутубхоначилар анжумани

*Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида «Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва сингдиришда кутубхоналарнинг ўрни ва вазифалари» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бошланди.*

Шу муносабат билан сарой фойесида «XXI аср кутубхонаси», «Миллий истиқлол ғояси Президент Ислом Каримов асарларида», «Тошкент вилояти «Турон» илмий-универсал кутубхонасининг электрон каталоги» каби мавзулардаги кўргазма стендлари очилди.

Илк бор ана шундай мавзуда ўтказилаётган ушбу тадбир Ўзбекистон Маданият ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Фан ва техника давлат қўмитаси, Маънавият ва маърифат Кенгаши қошидаги Кутубхоналар фаолияти бўйича илмий методик кенгаш ҳамда Республика кутубхоналар ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилди. Уни Маданият ишлари вазири Х.Жўраев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев бугунги кунда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва халқимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти ғоят беқиёс эканини таъкидлади.

Анжуман қатнашчилари икки кун давомида маърифат ўчоқларининг жаҳон ахборот тизимларига чиқишини таъминлаш, фаолиятини автоматлаштириш, кутубхоначилик иши механизмини такомиллаштириш имкониятлари билан танишадилар.

***Назокат УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

*Мутахассис таҳлили*

## ЯНГИСИНИ ҚУРМАЙ ТУРИБ, ЭСКИСИНИ БУЗМАЙДИЛАР

### ёки вилоятимиз алоқа тармоғидаги айрим камчиликлар ҳақида мулоҳазалар

Жамият ҳаётида алоқа воситаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли бу соҳани ривожлантиришга эътибор кучайиб кетди. Вилоятимиз аҳолисига хизмат кўрсатувчи «Тошкент-Телеком» ҳиссадорлик жамиятида ҳам сўнгги йилларда катта ўзгаришлар юзага келди. 1995 йил охирларида вилоятда телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди. Шундан кейин энг замонавий бўлган рақамли телефон станциялари ўрнатиш ишлари кенг кўламда бошланди.

Ҳиссадорлик жамиятининг қатор шаҳар ва туман филиалларида бу янгиликни жорий қилишга киришилди. Лекин, бунда уларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари ўрганилиб, инобатга олинмади, керагидан ортиқ сиғимли станциялар ўрнатилаверди. Бундай шошмашошарлик, пала-партишлик оқибатида станциялардан тўла фойдаланиш мумкин бўлмаяпти. Бу билан яхши ишга путур етказилди, унинг самараси камайди.

Фикримизнинг далили учун кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Паркентда ишга туширилган рақамли телефон станциясининг 48 фоизи ишлатилмоқда. Ангренда бу кўрсаткич 68 фоизда қолиб кетди, Олмалиқдагиси ўз қувватининг 58 фоизи миқдорида ишламоқда, Янгийўлда 68 фоизни, Бекободда эса 71 фоизни ташкил этиб турибди.

Янги станциядан фойдаланишда бошқа камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Улар вилоят давлат алоқа инспекцияси томонидан ўтказилаётган текширишларда кўплаб аниқланмоқда. Бундай нуқсонлар 23 банддан иборат далолатномада қайд қилинди. Олмалиқ филиалини текшириш вақтида шундай камчиликларга дуч келинди. Буларда рақамли станциядан фойдаланиш тартиби бир неча бор бузилган. Натижада абонентлардан шикоятлар кўпайди. Шундан сўнг иш жараёни олдинги ҳолатига қайтарилди. Бу ерда янги станция учун олиб келинган коммутатор шу кунгача ўрнатилмаган. Ҳозирги вақтда эса уни ўрнатиш ёки ўрнатмаслик масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Ҳатто, Жанубий Кореяга қайтариб юбориш фикридан ҳам воз кечилгани йўқ. Бу ҳиссадорлик жамиятига қанча зарар келтириши мумкинлигини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг.

Оққўрғонда ишга туширилган янги рақамли телефон станцияси қувватидан фойдаланиш ниҳоятда паст даражада бўлиб, бор-йўғи 36 фоиз атрофида. Бу ерда 3 минг номерли станция қурилган. Лекин, бунда мавжуд эҳтиёж инобатга олинмаган. Умуман, станциянинг ярмидан бундан кейинги ўн йил давомида ҳам фойдаланиш даргумон эди. Шунинг учун 3 минг сиғимли бу рақамли станция Келес филиалига олиб бориб ўрнатилди. Оққўрғонга эса Оҳангарон филиали омборхонасида сақланаётган «Исток» станцияси қурилди. Бунинг учун 16 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Иш бошидан режали бўлганида ортиқча шунча харажат қилинмасди, албатта.

Жамият филиалларида аҳвол шундай бўлгач, умуман вилоят бўйича аҳвол қандай деган савол туғилади.

Бу ўринли, чунки вилоятда жами 45 минг сиғимли турли русумли янги рақамли станциялар ўрнатилган бўлиб, ҳозир Жамиятнинг 6та филиалида ишлаб турган бу сиғимнинг 63 фоизидан фойдаланилмоқда, холос. Қолган салкам қирқ фоизи ортиқча юк бўлиб ётибди. Бундан ташқари, Тўйтепа филиалидаги «Квазэлектрон» станцияси фойдаланишга бир қанча нуқсонлари билан қабул қилингани учун ҳамон соз ишламаяпти, ҳар йили бирнеча марта таъмирланяпти. Бошида пухта бўлмаган иш учун ҳамон қўшимча маблағ сарфлашга мажбур бўлиняпти.

Бунинг устига эски шиша толали станциялар ва линия хўжалигида тўла ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳоятда сусайиб кетди. Чунки, ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари рақамли телефон станцияларини қуриш билан барча муаммолар ҳал бўлиб кетади, деб ҳисобладилар шекилли, шу вақтгача кунга яраб турган эски станцияларга умуман эътибор бермай қўйдилар. Баҳона маблағ йўқлиги бўлди. Ҳатто, ўтган йили уларда капитал таъмирлаш ишлари умуман тўхтатиб қўйилди. Жорий йилда ҳам ўзгариш деярли бўлмади. Шу йилнинг биринчи чорагида режанинг атиги 9 фоизи бажарилди-ю ишлар яна тўхтатиб қўйилди. Чунки, рақамли телефон станциялари хориждан олинган бўлиб, унинг ҳақи ҳамон тўла тўланганича йўқ. Ваҳоланки, линия хўжалигида филиаллараро шиша толали кабел ётқизилганида эди эски станциялар маблағ йиғилгунча яна бирнеча йил ишлаб турарди. Айрим ривожланган мамлакатларда ҳозир ҳам шу турдаги станциялардан фойдаланилмоқда. Қисқаси, янгисини тўла қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак эди.

Қишлоқ телефон станциялари сони ҳам кўпайиш ўрнига муттасил камайиб бормоқда. Бу афсусланарли бир ҳолдир. Чунки, у ҳам қишлоқ инфратузилмасининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Ўтган йил бошларида вилоятда 193та шундай станциялар ишлаб турган эди. Кейинги икки йил ичида уларнинг 16таси ҳисоботдан чиқарилди. Мавжудларининг ҳам моддий-техника базаси қаноатланарли эмас. Айниқса, уларни аккумуляторлар билан таъминлаш масаласи аянчли. Ҳозир ҳисобда бўлган 177та телефон станциясининг 28тасида умуман бу жиҳоз йўқ. Кўпчилигининг ишлаш муддати ўтган ёки тугаш арафасида. Агар электр энергияси бўлмай қолса, улар умуман ишламай қўяди. Аккумуляторлар масаласини зудлик билан ҳал қилиш лозим.

«Тошкент-Телеком» акциядорлик жамияти фаолиятининг бошқа тармоқларида ҳам камчиликлар кўплаб кўзга ташланяпти. Радионуқталар, маҳаллий ва шаҳарлараро таксофонлар кўрсатаётган хизматни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Бу соҳада кўзбўямачилик ҳоллари ҳам борлиги афсусланарлидир. Радионуқталар сони йил сайин камайиб бормоқда. 1998 йилнинг 7 январи ҳолати бўйича 68644та радионуқталари мавжуд эди. 1998-99 йилларда уларнинг 49339таси ҳисоботдан чиқарилди. Жорий йилнинг бошига келиб жамият ҳисобида 19305та радионуқта борлиги қайд қилинган. Текширишда уларнинг айримлари сонда бору салмоқда йўқ эканлиги маълум бўлди. Жамиятда радиоэшиттиришларнинг ҳаво орқали узатишни йўлга қўйиш режаси ишлаб чиқилган эди, лекин пул маблағлари етишмаслиги сабабли бу муҳим тадбир ҳам амалга оширилмай келиняпти.

Таксофонлардан фойдаланишдаги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмас. Уларнинг аксарияти ишламайди. 1998 йилда жамият берган ҳисоботда 615та маҳаллий ва 158та шаҳарлараро таксофонлар борлиги қайд қилинган. Орадан икки йил ўтгач уларнинг маҳаллийлари 117тага камайган. Қолган 510та таксофонларнинг эса аслида 100тачаси ишлаб турипти. Шаҳарлараро таксофонларнинг жойида қолгани 20та атрофида. Қолганлари эса аллақачонлар ечиб олиниб, омборхонада сақланмоқда.

Юқорида баён этилган ачинарли аҳвол жамият ва унинг филиалларида кеча ва бугун пайдо бўлган эмас. Аксинча йиллар давомида тўпланган. Айрим раҳбарларнинг қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, ўз ишларига масъулиятини чуқур ҳис қилмай муносабатда бўлишлари оқибатидир. Бундай лоқайдликка барҳам бериш лозим. Жамият ва унинг жойлардаги филиаллари раҳбарлари ўзлари бошчилик қилаётган меҳнат жамоалари фаолиятини чуқур таҳлил қилишлари, камчиликлар сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўришлари даркор. Вилоят аҳолисига кўрсатилаётган телефон алоқаси хизматини яхшилашга эришиш алоқачиларимизнинг долзарб вазифасидир.

***Ашир бой РЎЗМЕТОВ,***
***вилоят давлат алоқа инспекциясининг катта инспектори.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### «МАРҲАБО, ЯНГИ ЙИЛ!»

***Металлурглар ва қурувчилар шаҳри Бекободда эҳтиёжманд оилаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга янги йил ва Рамазон туҳфаларини улашиш бошлаб юборилди.***

Шаҳар ҳокимлиги Янги йилни кутиб олиш бўйича ишлаб чиққан тадбирларга мувофиқ, 150 нафар ногирон, 70 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, 22 нафар боқувчисини йўқотган бола ажойиб Янги йил совғаси олмоқда.

Эътиборлиси шундаки, Қорбобо бу гал байрам кунлари шифохонага тушиб қолган ўнлаб болажонларни йўқлаш, совғалар улашишни ҳам дилига тугиб қўйган.

- Янги йил янги минг йилликни бошлаб бериши учун ҳам катта воқеадир, - дейди шаҳар ҳокими муовини Абдусалом Эрматов. - Байрам муносабати билан «Янги аср сари» деб номланган кўрик-танлов ташкил этилмоқда. Унда шаҳарда фаолият кўрсатаётган 16та бадиий ҳаваскорлик жамоалари қизиқарли ва ранг-баранг дастурлар билан иштирок этади. 31 декабрь куни эса шаҳардаги бош майдонда «Марҳабо, Янги йил! Марҳабо XXI аср!» шиори остида катта Арча байрами ўтказилади.

***Н.ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

### «КИБО»ДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

***Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қатор корхоналар қатори Чирчиқдаги «Кибо» қўшма корхонаси билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйди.***

Ўзаро келишувга биноан олий ўқув юрти фан магистрантлари корхонада бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишмоқдалар. Корхонанинг тикув, йиғув ва тагликни елимлаш участкаларида, ўқув-тажриба хоналарида шуғулланмоқдалар. Шу билан бирга чет мамлакатлардан келтирилган юқори унумли ускуналарда бажариладиган технологик жараёнларни бошқаришни ўрганишяпти. Уларнинг техник ҳолатига доир чизмалар намуналарини тайёрлаб беришмоқда.

***Акбар АЛИЕВ.***

### «ОМБУДСМАН — ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИСИ»

***Инсон ҳуқуқларига оид қонунларга итоат қилмоқ республикамизнинг ҳар бир фуқаросининг муҳим вазифаси бўлмоғи керак. Ана шу муҳим вазифани амалга оширишда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи Омбудсман институти муҳим аҳамият касб этади.***

Тошкент давлат Аграр университетида 18 декабрь куни бўлиб ўтган анжуманда ана шу фикрлар юқори сурилди. Талабалар, ўқитувчи олимлар иштирокидаги «Омбудсман — ҳуқуқ ҳимоячиси» мавзусидаги тадбирни университет ректори, профессор Ҳасан Бўриев бошқарди. Учрашувга ташриф буюрган БМТ ва ЕХҲТ эксперти Дин Готтерер, Польша республикаси Омбудсман департаменти раҳбари Пётр Собота, ЕХҲТнинг Ўрта Осиёдаги бюроси ходими Маргарет Крук Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмита раиси Маъруф Усмонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Омбудсманининг Тошкент вилояти бўйича минтақавий вакили, профессор Лазиза Ғофуровалар талабаларни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

***Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.***

### ОИЛА, АЁЛ, ФАРЗАНД...

***ЗАНГИОТА туманида нотинч оилалар, уларда аёллар муаммоси, фарзанд тарбиясига аёллар таъсири, мактаб ўқитувчилари, жамоа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг бу борадаги вазифалари мавзусида машғулот-кенгаш ўтказилди.***

РЕСПУБЛИКА «Меҳр» аёллар жамияти ташкил этган бу тадбирда маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари, мактаб ўқитувчилари, милиция идоралари балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўлимлари ходимлари иштирок этдилар.

Адлия ходимлари, шунингдек, соҳага алоқадор мутахассис олимлар ҳам таклиф этилгани боис машғулот-кенгаш эркин суҳбат, савол-жавоб ва баҳс-мунозара тарзида ўтиб, кўплаб фойдали таклифлар ўртага ташланди.

***С. САРИМСОҚОВ.***

**АЗИЗ ДЎСТЛАР! Эслатиб ўтамиз «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна давом этмоқда!**

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Назорат органлари томонидан хўжалик субъектларидаги текширишларни тартибга солиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмалари фаолияти учун қулай шароитлар яратилишини таъминлаш, бу борада қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар устиворлигига эришиш вилоят назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади.***

Шуни таъкидлаш керакки, вилоят комиссияси бу борадаги ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бормоқда. Бир қатор ташкилий ва услубий ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида текширишларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, сонини қисқартиришга эришилмоқда. Энг муҳими комиссия томонидан ишлаб чиқилган текширишларни ўтказишнинг тартиби бузилишининг олди олинмоқда. Айни вақтда ҳудудий комиссиянинг зиммасида ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор муаммолар, масалалар ҳам турибди. Айрим шаҳар ва туман ҳудудий комиссияларининг фаолиятини жонлантириш, улар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларга барҳам бериш зарурати ҳам туғилмоқда.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Тошкент вилояти ҳудудий комиссиясининг декабрь ойида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ана шу масалалар яна бир бор чуқур кўриб чиқилди.

Хусусан, 2000 йилнинг 9 ойи давомида назорат органлари томонидан ўтказилган текширувлар якуни ҳамда 2001 йилги текширувларни режалаштириш тўғрисидаги, Оҳангарон шаҳри бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда республика Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши, шунингдек, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2000 йил 11 ноябрдаги йиғилишининг қарори атрофлича муҳокама этилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хўжалик субъектларни текширишни тартибга солиш, тадбиркорлик тузилмалари, айниқса, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олишга алоҳида аҳамият берилди. Назорат идоралари томонидан текширувларнинг тасдиқланган режа асосида ўтказишга эришиш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. Текширувларнинг сифатини ошириш, рухсатсиз текширувларга йўл қўймаслик, жойлардаги ҳудудий комиссияларнинг ишини жонлантириш юзасидан қатор амалий ишлар қилинди. Шунинг натижасида 2000 йилнинг ўтган даврида 1999 йилга нисбатан асоссиз текширувлар кам ўтказилди. Комиссиялар қошида «Ишонч» телефони хизматининг жорий этилиши бу борадаги ишларни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Буни Оҳангарон шаҳри бўйича ўтказилган таҳлиллар ҳам кўрсатиб турибди. Айни пайтда амалга оширилган ижобий ишлар билан биргаликда ҳудудий ишчи комиссия фаолиятида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Текширишларни тартибга солиш борасида амалга оширилган ишлар ҳозирги кун талабига тўла жавоб бермаяпти. Хўжалик субъектларида ўтказилган текширувларнинг даврийлиги ҳамда давомийлигини қонунга мувофиқлигини таъминлашга тўлиқ эришилмаяпти. Натижада айрим назорат органлари томонидан ҳеч қандай асоссиз текширувлар ўтказиш ҳоллари ҳамон учрамоқда.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг йиғилиши қарорида ҳам айнан ана шу камчиликларни олдини олиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилган.

Комиссия йиғилишида 2001 йилги текширувлар режа лойиҳаси муҳокама этилар экан, ҳудудий комиссиялар фаолиятидаги ана шу нуқсонларни олдини олиш, умуман, 2000 йилда йўл қўйилган нуқсонларни келгусида бартараф этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Текширишларни тартибга солинишига оид Қонун, Фармон ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши ва улар ишлаши лозимлиги айтилди.

Мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишида кўрилган ҳар учала масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Ўз мухбиримиз.***

# ИСРОИЛ ОТА БЎШ КЕЛМАЯПТИ

***ҚУЙИЧИРЧИҚ туманида айни пайтда 231та деҳқон-фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларга 3972 гектар ер ажратиб берилган. Асосан пахтачилик ва буғдойчилик билан шуғулланаётган фермерлар ўзларига билдирилган ишончни тўла оқламоқдалар.***

*Замона мулкдори*

«МЕҲНАТОБОД» жамоа хўжалигида 1994 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Исроил» оилавий фермер хўжалиги бугунги кунга келиб эл оғзига тушди. Агар туманда кўзга кўринган ўнта фермер хўжалиги бўлса, шуларнинг биттаси «Исроил»дир.

...Исроил ота салкам қирқ йил жамоа хўжалигида сувчилик, тракторчилик қилди. Пенсияга чиққанидан сўнг ҳам раиснинг илтимоси билан беш-олти йил ишлади. «Қўлимдан кетмонимни оладиган ўғилларим бор, вояга етиб, деҳқончилик касбимни давом эттиришар», деб кутди. Ўғиллари Нормат билан Маҳкамлар ҳам бу орада мактабни, сўнгра армия хизматини тугатиб қайтишди.

Бир куни ота ўғилларини ёнига ўтқазиб деди: «Мен энди деҳқончиликка ярамайман. Сизларнинг эса давринггиз келди. Президентимиз халққа, айниқса, биз деҳқонларга чексиз ғамхўрликлар кўрсатаяпти. Ҳар гапнинг бирида ерни ҳақиқий эгаларига топшириш керак, деб уқтирмоқдалар. Ер олиб ишлайман, деган одам учун ҳамма имкониятлар бор. Агар хўп десанглар фермерликка беш-ўн гектар ер олсак...»

Бу таклиф ўғилларга маъқул тушди. 1994 йилда ота бошчилигида оилавий фермер хўжалиги ташкил этилди. Дастлабки йиллар 20, сўнгра 50 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, буғдойдан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштира бошладилар.

Ўтган йили «Исроил» фермер хўжалиги пахтачиликдан 2 миллион, ғалладан эса 1 миллион сўмга яқин соф даромад олди. Ҳалол топилган маблағ фермер хўжалигини янада ривожлантиришга сарф қилинмоқда. Бугунги кунда хўжалик ўзининг «МТЗ-80», «Х-4» ва «Қозоғистон» русумли чопиқ ҳамда ҳайдов тракторларига эга. Дарвоқе, яқинда сотиб олинган «Қозоғистон» тракторидан бошқа барча техникани ўзлари йиғиб, таъмирлаб олишди. Кези келганда бу тракторлар жамоа хўжалигига қарашли майдонларда ҳам ишлатиляпти.

– Меҳнат қилган кам бўлмайди, болам, – дейди Исроил ота. – Ёшим 74да, аммо бир кун дала юзини кўрмасам туролмайман. Экинни экишдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунларига қадар ишнинг бошида турмасам, кўнглим тинчимайди.

Ҳа, отанинг суяги деҳқончиликда қотган эмасми, экинни қаттиқ эъзозлайди. Бирор иш кўнгилдагидек бажарилмаса, ўғилларини аяб ўтирмайди. Ҳаммасидан ҳам тўнғич ўғли Норматга кўпроқ дакки беради.

– Отам ниҳоятда ўжар ва қаттиққўллар, – дейди Нормат Тўрағалов. – Лекин биз бунга кўникиб кетганмиз. Иш жараёнида доимо у кишининг насиҳатлари, ўгитларига амал қиламиз. Худога шукур, кам бўлаётганимиз йўқ.

Дарҳақиқат, Исроил отанинг яхши маънодаги ўжарлиги фермер хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилмоқда. Бу йил улар 30 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 30 центнердан биринчи навли хом ашё топширишга муваффақ бўлдилар. Давлатга топширилган 100 тоннадан зиёд пахтанинг ҳаммаси қўлда териб олинди.

Агар пахта, буғдой ва унинг ўрнига экилган такрорий экинлардан, томорқадан олинадиган даромадларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, оилавий фермер хўжалигининг бу йил камида 5 миллион сўмга яқин соф фойда олишлари аниқ бўлиб қолди.

***Саиджон МУСТАФОЕВ, Дониёр КАМОЛ.***

*«Фармацевтика маҳсулотлари 2000-2001»*

# СИФАТЛИ ДОРИЛАР КЎПАЯДИ

*Пойтахтдаги 150 дорихонада «Фармацевтика маҳсулотлари 2000-2001» ярмаркаси очилди.*

Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат акциядорлик концерни ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу ярмарка республикамизда илк бор ўтказилмоқда.

Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад аҳолини сифатли дори-дармонларга, тиббиёт маҳсулотларига бўлган талабини ўрганиш, даволаш профилактика муассасалари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни янада яхшилаш ҳамда 2001 йилга шартномалар тузишдан иборат.

Ярмаркага 28та корхонанинг 500дан зиёд маҳсулотлари қўйилган, деди очилиш маросимида сўзлаган «Ўзфармсаноат» концерни раҳбари Қобил Шодиев. Ярмаркада иштирок этиш учун Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган, дори воситалари, тиббиёт учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, фармацевтика индустриясига хом-ашё етказиб берувчи юздан ортиқ корхоналар таклиф этилди.

Дори маҳсулотлари ярмаркасини ўтказишдан яна бир мақсад бундай тадбирни ҳар йили ўтказишни анъанага айлантириш, дунёда дори ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилаётган фирмаларни юртимизга жалб қилишдир. Муҳими, ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилиб, пештахтада сифатли дорилар турини кўпайтириш.

***«Туркистон-пресс».***

*Ислоҳот самараси*

# АКЦИЯЛАРНИ КЎПРОҚ ОЛСАМ БЎЛАРКАН





*Бўка пахта тозалаш заводининг мулк шакли ўзгартирилгач, 26 минг 520та қимматли қоғоз чоп этилди. Унинг 51 фоизи давлат ихтиёрида қолди.*

Жамоа аъзоларига эса 26 фоизини сотиш назарда тутилди. Уларнинг айримлари имтиёзли бўлиб, корхонада узоқ йиллар давомида фидокорона меҳнат қилиб, ҳозир нафақада бўлган ва шу кунларда ҳам ишлаб турган пахта тозаловчиларга бепул ёки номинал қийматини камайтириб тарқатилди. Қолганлари эса, тўла нархида — 850 сўмдан сотилди. Албатта, жамоа аъзоларидан айримлари дастлаб уни сотиб олишга иккиланиб юрдилар, унга ишончсизлик билан қаровчилар ҳам бўлди. Аммо бундай кайфиятда юрганлар кейин «аттанг», деб қолишди. Чунки уни кўпроқ сотиб олганлар мўмайгина қўшимча даромад манбаига эга бўлдилар. Биргина ўтган йил якунлари бўйича ҳар бир акцияга 218 сўмдан дивиденд тўғри келди.

— Албатта, дивиденд унчалик кўп эмас, лекин ҳарнада, — дейди пахта тозаловчи Бердиёр Тожибоев. — Пулни ёстиқ остида сақласанг, бу ҳам йўқ эди-ку. Бундай қимматли қоғознинг 75тасини харид қилган эдим. Унинг эвазига 14 минг сўм дивиденд тўлашди.

Жамоа аъзоларидан Владимир Криванов 138та акция сотиб олган эди, бундан 24 минг 125 сўм фойда кўрди, Илҳом Баҳромов эса 70та шундай қимматли қоғоз ҳисобига 13 минг сўм нақд пул олди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Умуман, акция сотиб олган ютқазмади, фақат фойда кўрди. Шунинг учун ҳам, кўпчилик эндиликда «акцияларни кўпроқ олсам бўларкан» дейишмоқда.

Пахта тозаловчилар бир неча йилдан бери хўжаликни шу усулда юритиб кам бўлишмаяпти, унинг афзалликларини амалда кўришмоқда. Янгича ишлаш туфайли ҳар бир жамоа аъзосида меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Ҳамма ўз моддий манфаатдорлиги ҳар бир ишчи-хизматчи ва умуман жамоа фаолияти натижаларига бевосита боғлиқлигини чуқур ҳис қила бошлади.

Топшириқ асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича тўла ва ошириб бажариляпти. Ўтган хўжалик йилида жами олинган даромад 18 миллион 767 минг сўмга етди. Унинг 6 миллион 843 минг сўми соф фойда. Бу маблағ ишлаб чиқаришни ривожлантириш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш, жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш ва корхона акциялари эгаларига дивидендлар тўлаш учун сарфланди.

Жамият асосан Бўка туманида хўжаликларида етиштирилган пахта ҳосилини қабул қилади. Жорий йилда бўкаликлар самарали ишлаб, «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирдилар. Пахта тозаловчилар уни тез ва соз қабул килиш учун барча имкониятларни сафарбар этдилар. Икки томоннинг яқин ҳамкорликда ишлаши туфайли қисқа муддатда 39 минг 850 тонна қимматли хом ашё тайёрланди.

Шу кунларда эса «оқ олтин»ни қайта ишлаш кенг кўламда олиб бориляпти. Ҳар кеча-кундузда 50-55 тонна сифатли тола тайёрланмоқда ва буюртмачиларга жўнатилмоқда. Тайёрланган толанинг 90 фоизи чет эллардаги буюртмачилар томон йўл олмоқда. Айниқса, Швейцария, Англия, Россия тўқимачилик корхоналари кўп харид қилмоқда. Шуниси таҳсинга сазоворки, шу вақтгача юборилган толанинг сифатсизлиги ҳақида на ташқи, на ички мижоздан бирорта ҳам шикоят тушгани йўқ. Ёғ заводларига эса 4 минг тоннадан ортиқ чигит юборилди, «С-6524» навли пахтанинг 2 минг тонна уруғлик чигитини тайёрлаш ниҳоясига етмоқда.

Ҳозирги вақтда жамоа сафида 570 нафар пахта тозаловчи бор. Улар ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини бир маромда узлуксиз давом эттиришяпти. Самарали ишлаш мўмай даромад келтиряпти. Уларнинг ўртача иш ҳақлари — 20-25 минг сўмни ташкил этмоқда. Айниқса, уста Раҳматжон Шарипов, ишчилардан Эркин Назаров, Эркабой Абубакиров, Раҳим Турғунбоев, оператор Аҳрор Раимқуловлар жамоанинг меҳнат муваффақиятларига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***

*СУРАТЛАРДА: илғор смена устаси Раҳматжон Шарипов; корхона ҳудудида қад кўтарган бунтларнинг бири.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

# ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯГА БАҒИШЛАНДИ

*Тошкент вилоят педагогика институтида талабаларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган тадбирлар мунтазам уюштирилмоқда.*

Яқинда шундай яна бир мулоқот ташкил этилди. Бу гал Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Дилшод Исмоилов, шаҳар судяси Мирпўлат Ниёзов, институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори ўринбосари Фахриддин Ўсаровлар талабалар ҳузурига ташриф буюришди.

Улар мамлакатимизда келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни ҳуқуқий тарбиялашга эътибор тобора кўпаётганлиги ҳақида гапириб, ёшлар ўз ҳуқуқлари ва бурчларини пухта билишлари лозимлигини, бу эса турли-туман қусурлар содир бўлишининг олдини олишда муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган кўплаб масалалар бўйича берган саволларига батафсил жавоб олдилар.

***Ўз мухбиримиз.***

# ШАМОЛ-ҚУЁШ ТИЗИМИ АСОСИДА

*Вилоятимизнинг Чорвок минтакасида ўрнатилган ретрансляция станциясини электр қуввати билан таъминлашни йўлга қўйишда энергетик олимларнинг хизмати катта бўлди.*

Ўзбекистон Фанлар академиясининг энергетика ва автоматика институти олимлари ана шу муаммо устида иш олиб бориб, ижобий натижага эришдилар. Бу изланиш халқаро «Инко-Коперникус» дастури бўйича бажарилди.

Шамол-қуёш тизими бўйича амалга оширилган бу йирик тадқиқотнинг юзага келишида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлар маркази мутахассислари билан бамаслаҳат иш тутилди. Шунингдек, Франциядаги АДЕМ агентлиги, Португалиядаги «Ф-Ф-Қуёш энерготизими» фирмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бундан илгари институт олимлари шу усулга асосланиб Бекобод тумани электр таъминотини амалга оширган эдилар.

***Акбар АЛИЕВ.***


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

«XXI АСР»

деб аталган қисқа муддатли омонатни таклиф этади.
Омонатга пул 2000 йил 16 октябрдан 31 декабргача қабул қилиниб, йилига 75% фойда тўланади
(фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилади)

«Сўм карточкаси» омонати (пластик карточка қўлланадиган) сўм карточкаси эгаларига ҳаёт ва саломатликни бепул суғурталаш имкони берилади – йилига 36% фойда тўланади, ҳар ойда талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилиши натижасида фойда йилига 42,6%ни ташкил этади

Шунингдек, муддатли омонатларнинг барча турлари бўйича фоиз ставкалари жорий йилнинг охирига қадар оширилишини ҳам маълум қилади:

«Таътил» омонати (талаб қилиб олинмаган ҳисоб варақаларга доир шартномалар ўз-ўзидан давом эттириладиган, 3 ой муддатли). – йилига 48%, ҳар ойда капиталлаштирилганида йилига – 60%

| | |
|---|---|
| «Оқсоқол», «Меҳрибон она» (1 йил муддатли) | – йилига 37% |
| «Тўёна» (2 йил муддатли) | – йилига 42% |
| «Сарпо» (3 йил муддатли) | – йилига 43% |
| «Келажак» (камида 5 йил муддатли) | – йилига 36% |
| | (МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича). |
| «Янги авлод» (муддати 2001 йил 3 январгача) | – йилига 48% |
| «Муддатли» (5 йил муддатли) | – йилига 52% |

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки – пулларингиз даромадлиги ва сақланишига кафолатдир.

Қўшимча маълумотларни Сиз (99871) 137-62-83, 137-62-81, 54-88-87, 54-38-11 рақамли телефонлар орқали ёки Тошкент вилоят бўлимининг филиалидан олишингиз мумкин:

| | |
|---|---|
| Олмалиқ (8-261) | 2-15-00, 2-15-05 |
| Ангрен (8-266) | 2-24-48, 2-22-75 |
| Бекобод (8-291) | 2-40-49, 2-40-34 |
| Ғазалкент (8-274) | 2-28-87, 2-78-53 |
| Чирчиқ (8-271) | 5-34-44, 5-34-31 |
| Тўйтепа (8-276) | 2-15-12, 2-09-60 |
| Янгийўл (8-260) | 2-80-47, 2-80-45 |

# ХИТОЙДА «ЎЗБЕК ЯРМАРКАСИ»

*Шу йилнинг 4 августида Пекинда «Ўзбек ярмаркаси» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтганди. Мазкур корхона икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, шу орқали Буюк Ипак йўлини тиклаш мақсадида ташкил этилган. Айни пайтда «Ўзбек ярмаркаси»нинг фаолияти мутахассислар томонидан юқори баҳоланаётир.*

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида Хитойда «Ўзбек ярмаркаси»нинг ташкил топиши ва ҳозирги кундаги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонлари, шунингдек, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Цзинсян иштирок этди.

Мазкур қўшма корхона Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг Хитой бозоридаги улгуржи, ярмарка ва кимошди савдолари, бу борада ахборот ва маркетинг каби хизматларни кенг йўлга қўйиш, реклама-ахборот, аукцион ва кўргазмалар ташкил этиш билан шуғулланади. Унинг низомий жамғармаси 500 минг АҚШ долларига тенг. Шундан 255 минги (51 фоиз) ўзбекистонлик таъсисчиларга тегишли. Қайд этиш керакки, Ўзбекистон томонидан қатор корхона ва ташкилотлар, жумладан, Республика товар-хомашё биржаси, «Ўзавтосаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбек ипаги» уюшмалари ҳамда «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти, Хитой томонидан эса «Шенли групп» компанияси ва «Чайнатекс» экспорт-импорт корпорацияси қўшма корхона таъсисчиси ҳисобланади.

***(ЎзА).***

*Дилкаш суҳбатлар*

# ОДАМЛАРГА МАНЗУР БЎЛСА БАС

***Кўнгилга келган фикр албатта ижобатини топади. Биласиз, туман газетасида ишлаш мусаҳҳиҳдан тортиб муҳарриргача катта масъулият талаб этади. Айниқса муҳаррир ниҳоятда зийрак бўлиши, қалами чархлоғлиқ туриши, раҳбар сифатида нашр муаммоларини ҳал қилиши лозим. Бугунги суҳбатдошимиз Ўртачирчиқ туманида чиқадиган «Машъал» газетаси муҳаррири Ҳамид Жуманович вилоятимиз ижодкорлари орасида ўз ўрнига, овозига эга. Журналистиканинг фидойиси самимий дўст ва маслаҳатчи, талабчан бошлиқ сифатида касбдошлари ҳурматига сазовор бўлган. Бир нечта саволларим борлигини айтганимда у: «Йўге, мени жуда кўкларга кўтариб юборасиз-ку», деди. Анчайин ҳозиржавоб қалам соҳиби билан суҳбатимиз дарров қовушиб кетди.***

**– Ҳамиджон, сизни ўзига хос шоир сифатида анчадан буён биламиз, ёзган шеърларингизни ўқиб, қурбимиз етганича холис баҳо берганмиз. Қачон ижодий режалар билан Тўйтепада бўлсам, сиз ҳақингизда гап кетса, «Э, ўзимизни Ҳамид Жумановичми?» дейишади. Бу адабий тахаллусингизми ё авлодингизда серблар ўтганми? Чунки, «вич» кўпроқ шу миллатга мансубда.**

– Аввало, ушбу дилкаш суҳбатга лойиқ кўрилганим учун таҳририятга катта раҳмат. «Тошкент ҳақиқати»нинг ашаддий бир мухлиси сифатида бу рукнда берилаётган кўплаб мусоҳабалар ўз ўқувчисини топиб, одамларга жуда маъқул бўлаётганини айтиб ўтишим жоиз. Энди бевосита саволингизга қайтсак. Кўп йиллар Ўртачирчиқ туманида турли катта-кичик лавозимларда ишлаганман. Иш жараёнида кўпроқ исмимга отамнинг номини қўшиб мурожаат қилишарди. Аввалига ўзимга ҳам ноқулай бўлиб, ғалати туйилиб юрди. Кейинчалик қулоқ ҳам ўрганиб кетди, шекилли. Хуллас, эсимни таниганимдан бери эл хизматидаман. Бевосита ижодга келсак қаерда ишламай, қайси юмушни бажармай мухбирлик қаламимни қўлимдан қўйганим йўқ. Баҳоли қудрат ёзиб-чиздим. «Умр ранги», «Ойдин ниятлар», «Ёнар сўз» шеърий тўпламларим босилиб чиқди. Бу йил эса спортчилар ҳақидаги «Тўйтепалик чемпионлар» китобим чоп этилди. Бу орада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиндим...

**– Маълумки, туман газеталари ҳам оммавий ахборот тизимини кичик бир бўлаги сифатида ўз ўқувчиларига муносиб суҳбатдошдир. Сиз бугунги кунда уларнинг ўрни ҳақида нима дея оласиз?**

– Газетанинг катта-кичиклигидан қатъий назар, у ҳаёт ойнаси ҳисобланади. Бугунги кунимизнинг бўйбастини очиб беришда туман газеталарининг ўрни жуда муҳим деб ўйлайман. Туманда бўлаётган иқтисодий ўзгаришлар, ислоҳотлар ва маънавий-маърифий юксалишлар аввало шу газеталар саҳифаларида акс этади. Бу мавзуларнинг қанчалик маҳорат билан юритиш журналистларнинг савиясига, фидойилигига боғлиқ. Узоққа бормай, ҳозир ҳам давом этаётган обунани олайлик. Унинг сермаҳсул бўлиши газетанинг мавқеига ҳам, сермазмунлигига ҳам боғлиқ. Ўқувчиларга эълон қилинаётган мақолалар маъқул тушаётган бўлса, уларни даъват қилиш шарт эмас, ўзлари ёзилишади. Бевосита ўзим меҳнат қилаётган қадрдон «Машъал» газетам ҳақида гапирадиган бўлсам, тиражимиз ҳар йили 2000 дан кам бўлаётгани йўқ. Таҳририятда янгиликка интилувчи журналистлар ишлашади. Қолаверса, туман газеталари ҳозир «Ўзининг аравасини ўзи тортаяпти». Қоғоз ҳам, иш ҳақи ҳам, босмахона, почта харажатлари ҳам обунадан тушган пулимиз билан қопланади. Бундан ташқари эълон ва рекламалардан маблағ топишни изчил йўлга қўйганмиз. Пуллик хизмат кўрсатиш ҳам шунинг ичида. Хуллас, миттигина бўлса ҳам тарихига эга газетамиз ўз вақтида чиқиб турибди. Уни ўқишли қилиш учун доимо ҳаракатдамиз.

**– Ҳамиджон, шоир сифатида анча-мунча шеърлар ёзгансиз. «Тошкент ҳақиқати»нинг муштарийлари кўпчилигидан хабардор. Жалолиддин Мангубердига бағишланган «Парвон жанги» достонингизни тарихий ҳужжатларга суяниб ёзганмисиз ёки бадиий тўқимами?**

– Авваллари каттароқ достон ёзишга сира журъат этолмасдим. «Парвон жанги»да ёритилган мавзуни тарихий ҳужжатларда кўриб қолдим. Бир неча кун безовта бўлиб юрдим. Нимадир ёзгим келаверди. Аввал шеър қораладим – ёқмади. Шундан сўнг каттароқ ҳажмдаги достонга қўл урдим. Билмадим, у қандай чиқди... Достон асосида республика ойнаи жаҳони теленовелла яратиш учун суратга олиш ишларини бошловди. Нима сабаб бўлди-ю, охирига етмай қолди. Худо хоҳласа, олдинда яхши кунлар кўп.

**– Сиз билан давраларда бирга бўлганлар қизиқ-қизиқ гапларингизни анча вақт эслаб юришади. Яқинда эса матбуотда «Мамат қизиқ ҳангомалари» босилди.**

– Мамат қизиқ ўзи бор одам. Фақат оғайнимнинг исмини ўзгартириб қўйганман. Кўнгил иши нозик, хафа бўлмасин дейманда. Ўша оғайним айтиб берган воқеа-ҳодисаларни қоғозга туширганман. Туппа-тузукка ўхшаяпти. Битта янгиси бор, айтиб берайми?

**– Бажонидил.**

*– Мамат қизиқ мактабда ўқитувчилик ҳам қилган. Бир куни у дарсга кириб, ўқувчилардан уй вазифасини сўрай бошлабди.*

*– Эшматов нега дарс қилмадинг?*

*– Бошим оғриб қолди...*

*– Ўтир, «икки». Хўш, Болтаев, сен-чи?*



*– Чироғимиз куйиб қолди.*

*– Ўтир, «икки». Қани, Фармонов, сен нега топшириқни бажармадинг?*

*– Кеча қамалиб кетган акам қайтиб келган эди. Уй тўла меҳмон бўлди, шунга.*

*– Тўхта-тўхта, мени аканг билан қўрқитмоқчимисан? Ўтир, «уч».*

**– Э, раҳмат. Ижодкорларга бериладиган анъанавий савол. Ниятлар қанақа?**

– Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб, «Белида белбоғи бор эл» номли шеърий тўпламни Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётига топширдим. Шунингдек, маънавият ҳақидаги бадиалардан иборат «Истиқлол манзаралари» насрий асарини қоғозга туширяпман. Қолаверса, иш, газета, жамоат юмушлари, уй-рўзғор... Бир умрга етгулик ташвишлар бисёр.

**– Нимани сиздан сўрамай қолдим?**

– Фамилиямни. Исмимни, отамнинг исмини айтиб ўтдингиз, фамилиям Норқулов. Узр, ҳазилда бу ҳам.

**– Кўнглингиздаги эзгу ниятингиз билан бизни ошно қилинг...**

– Қадрдон йўллардан янги асрда яна кўп йиллар бирга юрайлик. Ёзганимиз одамларга манзур бўлса – бас.

***Суҳбатдош: Темур УБАЙДУЛЛО.***

# ЯНГИ АСР ЁШ МУСАВВИРЛАРИ ТАНЛОВИ

***Мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорининг тўлароқ юзага чиқишига имкон яратиш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада турли танловлар, кўрик ва кўргазмалар ташкил этиш яхши анъана бўлиб қолган.***

Республика Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси Ўзбекистон Бадиий академияси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Фидокорлар Миллий демократик партияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда бу борада яна бир янги ташаббусни бошлади. Унга кўра Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб мамлакатимиз иқтидорли ҳаваскор мусаввир ўғил-қизларининг рассомлик бўйича танлови ўтказилади.

Ёшларнинг тасвирий санъатга бўлган истеъдодини намоён этишга кўмаклашишдек эзгу мақсадни кўзлаган ушбу танлов 2001 йилнинг 1 январидан 1 августигача давом этади. Унга тасвирий санъат, рангтасвир йўналишлари бўйича мойбўёқ, акварел, қаламтасвир ва аралаш техник услубларда бажарилган асарлар қабул қилинади. Беллашувнинг дастлабки босқичида ҳар бир иштирокчидан йигирматагача ижод намуналари қабул қилинади. Танлов иштирокчилари ижоди ёш жиҳатдан еттидан ўн иккигача, ўн учдан ўн олтигача ва ўн еттидан йигирма ёшгача бўлган гуруҳларда аниқланади.

Танлов ҳайъати аъзоларига тақдим этилган асарлар Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилади. Унинг натижалари бўйича ғолиб деб топилган ёшлар пул мукофоти, дипломлар, бадиий ижод учун ноёб жиҳоз ва материаллар, шунингдек, юртимиз машҳур рассомларининг асарлари билан тақдирланади. Ватанимиз манзаралари, бой тарихимиз, миллий қадриятларимиз, гўзал удум ва анъаналаримизни тараннум этган ижодий ишларнинг энг яхшилари Ўзбекистон Бадиий кўргазмалар дирекцияси ҳамда Миллий Банк галереяларида намойиш этиш учун қолдирилади, хориждаги йирик халқаро кўрик-танловлар, кўргазмаларига ҳам юборилади.

Ғолиблар Истиқлол байрами арафасида маълум бўлади.

***Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.***

*Ҳаёт сабоқлари*

# КЕЧИККАН ТАШРИФ

Маъсуджон кундузги югур-югурлардан анча толиққан бўлсада, ухлай олмай, тўлғаниб чиқди... Кўзини юмди дегунча, ўзига тикилиб турган тумонатнинг истеҳзоли нигоҳлари таъқиб этар, гоҳ йўлларига кўз тикиб, нури дийдасининг рухсорини кўра олмай, интиқ бўлиб боқий дунёга кетган онаизорининг маҳзун қиёфаси тинчлик бермас эди. «Эҳ, онажон, ноқобил ўғлингизни кечиринг, энди нима деган одам бўлдим? Ўз онасининг ризолигини ололмаган фарзанд фарзандми?! Наҳот инсон ўз волидасининг маъракасида ҳам тўйиб-тўйиб йиғлашга тортинса, уялса?!! Ҳа, менинг «Онажон» деб йиғлашга ҳам ҳаққим йўқ. Чунки, кўзи очиқлигида бирон марта келиб йўқламаган, корига ярамаган ўғлидан не фойда?» Жанозага йиғилганлар орасида айрим қариндош-уруғларни йўқлаб бориш у ёқда турсин, танимайди ҳам. Тўғрида, нима деб ҳам боради, туққан онасини тўйига айтмаган одам, қўл учида кун кўраётган қариндош-уруғларини танирмиди? Ўзи катта идорада бошлиқ бўлса, уйига казо-казолар ташриф буюриб, қўл қовуштириб, хизматида турган бўлса! «Ўлим ҳақ» деган ана шу казо-казолар онамнинг таъзиясига келганда, ойна ўрнига ёстиқ қўйилган дераза ромларию бир томонга қийшайиб, йиқилай деб қолган деворларни кўрса, нима деган одам бўламан. Эҳ, томдан чакка ўтаяпти, деб айтгандек бўлувди-я, онажоним!! Шунга ҳам бир йилдан ошибди. Ана-мана дегунча яна қиш кириб келди. Ошна-оғайни, ёр-биродар, қуда-андаларим олдида нима деган одам бўлдим... Шундай бойваччанинг онаси жуда ҳам фақир яшар экан, демайдими? Лоақал, йигирма йилдан буён эски шолча тутиб қўйилган заруратхонанинг эшигини тўғрилаб қўйсам бўлмасмиди? Бошқа ака-укам бормиди, ишонадиган!? Тағин ҳам қўшниларга раҳмат, онамнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турган. Бир пайтлар: «Қараса, ҳовлига эгалик қилиш мақсадида қараётгандир-да», деб ўйлаган эдим. Унда нега, дарвозанинг калити-ю уй китобини менга беришди? Ён қўшнимиз Абдужалил эса: «Ўғлим, онангнинг чироғини ўчирма, ҳовлига ўзинг эгалик қил», дедими? Наҳот мени шаҳардаги данғиллама уйини ташлаб шу вайронага келиб яшайди деб ўйласа? Ўғлим қишлоқ тугул, шаҳардаги ҳовлисида яшагиси келмай «дом»га кўчиб кетган бўлса».

Шу тобда Маъсуджон қишлоқдан шаҳарга ўқишга бориб, шу йилдаёқ бир амалдорнинг қизига уйланиб олганига, сўнг унинг қулига айланиб қолганига жуда-жуда ўкиниб кетди. Оёғига баланд пошна этигу, бошига сувсар телпак кийиб олган хотини содда қишлоқ аёллари орасида худди томошага қўйилган тасқарадай кўзига жуда хунук кўриниб, ижирғаниб қўйди...

Кечаси билан мижжа қоқмаган Маъсуджон эриниб аранг ўрнидан турар экан ҳовлидаги ғала-ғовур орасида ҳайдовчиси Миркамолнинг овозини таниб қолди. «Ия, намунча саҳармардондан келмаса, тинчликмикин?» — Хўжайин турдингизми?

— Ҳали кийиниб улгурмасидан кириб келди Миркомил, — бардам бўлинг, ҳар кимнинг бошида бор нарса бу...

— Э чайналмай тезроқ гапир, нега жуда эрта келдинг, тинчликми?

— Ҳа, тинчлик, бугун ишхонангиздагилар катта хўжайин билан келишар экан. Шунга... сизни хабардор қилиб қўяй дедим...

***Сайёра РИХСИЕВА.***

*Ғаройиб дунё*

## ҚИСҚА УЧРАШУВ



Бу воқеани Уолл-стритда ўнлаб йиллардан буён ҳикоя қилишади. Бир майда молия корчалони ўн дақиқали учрашувни илтижо қилиб, Жон Пирпонт Морганга деярли бир йил давомида хат ёзаверган. Лекин, сўзсиз, рад жавобини олган. Сўнгра корчалон беш дақиқа қабул қилишини сўраб ўтинган. Бироқ яна рад жавобини олган. Негаки, Морган фақат молиявий корчалонлар билан иш кўрарди. Аммо, саботли сўровчи шундай, деб ёзиб юборади: «Менга фақат сиз банкингиз эшигидан автомобилингизгача боришга кетказадиган икки дақиқани ажратсангиз кифоя». Морган рози бўлади. Тайинланган куннинг муайян соатида сўровчи Уолл-стрит ҳукмронига ўзини таништиради ва унинг ёнида машина томон юради. Аммо чурқ этмайди! Бир дақиқа ўтиб, Морган дейди: «Сиз учрашув ҳақида бир йил илтимос қилдингиз, энди бўлса негадир индамайсиз». «Менга шунинг ўзи етади, — жавоб қилибди корчалон. – Энди бутун Уолл-стрит менинг сиз билан бирга юрганим ҳақида гапиради. Демакки, истаган банк мен учун қарз дафтарчасини очади»...

## УЧАР АВТОМАШИНА



Яқин орада Қўшма Штатлар кўчалари узра учар автомобиллар пайдо бўлиши мумкин. Муҳандис Пол Моллер ихтиро қилган «ҳаво автомобили»нинг илк синовлари ўтказилди. Моллер бу ишга 30 йилдан ортиқ умрини сарфлади.

Транспортнинг бу янги тури икки метр баландликда учди! Бу машинанинг энг юқори тезлиги эса — соатига 480 км. Унинг мотори газда ишлайди ва олти ярим километр йўлга 5 литр газ сарфлайди. Анъанавий учар транспортлардан фарқ қилган ҳолда «ҳаво автомобили»га учиш-қўниш йўлаги керак бўлмайди, негаки у ҳавога тиккасига кўтарилиб тушади-да. Учар машинанинг салонига тўртта йўловчи бемалол жойлаша олади ва у бутунлай автоматик равишда бошқарилади.

***Дилшод ҚОСИМОВ тайёрлади.***

*Насрий масалалар*

# ИЛМ БИЛАН ТОПИЛГАН БАХТ

Бир юртда гўзалликда тенги йўқ малика яшар экан. У гўзал бўлиш билан бирга доно ва оқила экан. Маликанинг тарихини эшитган жами юрт подшоҳлари, шаҳзодаларидан совчилар аримас, аммо малика улардан бирортасини ҳам хоҳламас, бир-икки савол-жавобдан сўнг, рад жавобини берар экан.

Шу юртда Мурод исмли бир йигит қари ота-онаси билан яшаркан. Муроднинг отаси боғбонлик билан оила тебратар экан. Мурод ҳам вояга етиб, отаси ёнида меҳнат қила бошлабди. Ота-онаси ўғлини меҳнаткаш, зукколигидан қувонишса, топган маблағини кўп қисмига китоб олиб ўқишидан баъзан ранжишар экан. Мурод ҳақиқатан ҳам китобни ёнидан қўймас, бўш қолди дегунча, китоб ўқишга тушар экан. Бир куни отасининг дўсти уларникига меҳмон бўлиб келибди. Чол ўғли устидан дўстига арз қилибди. Дўсти: «Ўзинг биласан, мен шоҳ саройида ошпазман. Ўғлингни бир-икки йилга менга бер. Ҳам ҳунар ўрганади, ҳам мустақил бўлиб, зора рўзғорини режалашга ўрганса, Қолаверса, китоб ўқишга бизда ортиқча вақт топа олмайди», дебди. Чол-кампир рози бўлиб, ўғлини дўстига қўшиб берибдилар.

Муроднинг зеҳни тез эмасми, оз фурсатда ошпазлик касбини ҳам ўзлаштириб, ширин-ширин таомлар пишириб кўзга ташланиб қолибди. Лекин, шунча иш орасида ҳам китоб ўқишга вақт топар экан.

Бир куни малика боғда сайр қилиб юриб, ошхона томонда бир йигит китоб ўқиб ўтирганини кўрибди. Йигит хушсурат экан. Маликанинг юраги алланечук орзиқиб кетибди. Малика йигитни билим ва одобини ҳам синаб кўрмоқчи бўлибди ва ҳузурига чақириб:

– Қўйни сўйиб, энг яхши жойини менга келтир, – дебди.

Мурод қўйни сўйиб, юрак ва тилини пишириб, маликанинг олдига келтириб қўйибди. Бошқа бир кун малика:

– Қўйни сўйиб, энг ёмон жойини пишириб кел, – дебди.

Йигит яна бир қўйни сўйиб, тили билан юрагини келтириб қўйибди.

– Бу нима қилганинг? – деб малика сўраса, Мурод шундай жавоб берибди:

– Эй маликам, агар пок бўлса, тил билан юракдан тоза ва ширин нарса йўқ. Агар нопок бўлса, тил билан юракдан ифлос нарса йўқ!

Малика йигитнинг жавобига тан бериб, қирқ кечаю қирқ кундуз тўй билан Муродга турмушга чиқибди. Мурод эса элга ҳоқон бўлиб, ўз ёри билан одилона юрт сўрабди.

*КИССАДАН ХИССА: илм билан дўст бўлдим, етдим муродга, чилим билан дўст бўлдим, қолдим уятга.*

***Севдора ЛАТИПОВА.***




Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 24 — 27 декабрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг дастлабки кунларида қисқа муддатли ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Қолган кунларда ҳаво очиқ келади.

Ҳарорат кечалари 1 даража совуқ, 4 даража илиқ, кундуз кунлари 7 — 12 даража илиқ бўлади. Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат бироз кўтарилади. Кечалари 2 — 7, кундуз кунлари эса 13 — 18 даража илиқ бўлиши мумкин.

Мирзо Улуғбек туманидаги «OVCHILAR» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО коди 17513880)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 137-25-22 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «NISHON-OTA» масъулияти чекланган жамияти

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 45-06-01 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги хусусий тадбиркор Аваз Шавкатович ЮНУСОВнинг йўқолган думалоқ муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# КУЛГИГА НИМА ЕТСИН

Икки қария суҳбатлашмоқда:

— Биласанми, менга хотирани мустаҳкамлайдиган антиқа дори беришди! Кунига бир марта ичсанг, бир ҳафтада ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан, дейишди.

— Сенга ёрдам бердими?

— Йўқ, мен ҳали ичиб кўрмадим, нуқул эсимдан чиқиб қолаверади.

* * *

Бир киши танишидан сўради:

— Намунча қовоғингдан қор ёғилмаса?

— Хотиним бир ойга қариндошлариникига жўнаб кетаяпти.

— Шунга шунчами?

— Хурсанд юрганимни кўрса ҳеч қаёққа кетмайди-да.

* * *

Сартарошхонага соқоли узун бир эркак кириб келди ва соқолининг ярмини кесиб ташлашни илтимос қилди.

— Нима учун ярмини? — сўради сартарош.

— Хотиним янги галстук сотиб олибди, тақиб кўрмоқчиман.

***Насриддин БОТИРОВ тўплаган.***

## «Бўстонлиқ АТС» ОТҲЖ

«ЧАТС-15» ОТҲЖ таркибига қўшилиши туфайли, шу йил 20 декабрдан ушбу жамият акцияларини «ЧАТС-15» акцияларига конвертация қилиш йўли билан уларни

**БЕКОР ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ.**

Акцияларни топшириш учун Чорбоғ кўчаси, «Бўстонлиқ АТС», Д. Амоновага мурожаат қилишингизни сўраймиз. 2001 йил 20 январда акцияларни қабул қилиш жараёни якунланиб, кейинчалик улар

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

*Эшкак эшиш*

# ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ ЯНГРАДИ

***Ҳиндистоннинг Чандигарх шаҳрида академик эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Тўққиз нафар спортчи Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди.***

УШБУ нуфузли мусобақаларда, айниқса, қизларимиз муваффақиятли қатнашдилар. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг биринчи курс талабалари Зарифа Сисенбоева билан Анна Кузнецова икки кишилик қайиқда маррага биринчи бўлиб келиб, Осиё чемпиони бўлдилар.

З. Сисенбоева, А. Кузнецова ҳамда жисмоний тарбия институти 2-курс талабаси З. Ғаниева ва Ўзбекистон металлургия комбинати коллежи талабаси А. Ахмеровалардан иборат тўртликнинг ҳам олтин медал эгаси бўлишлари учун сониянинг бир неча улуши камлик қилди ва улар кумуш медал билан кифояландилар.

***Альберт ШИПИН.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-1104. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6